

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва norma.uz, nrm.uz сайтларида танишиб чиқишингиз мумкин.



Хунармандчилик фаолиятининг турлари рўйхати қисқартирилди

Президентнинг Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари-га доир қарори (27.12.2016 йилдаги ПҚ-2699-сон, «СБХ» газетасининг 1 ва 2-сонларида ҳамда «Норма маслахатчи» газетасининг 1-сонида кўчирмалар чоп этилган) қабул қилинди. Қарор билан Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ва хунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга (29.07.2009 йилдаги 216-сон ВМҚ билан тасдиқланган) тузатишлар киритилди. Киритилган тузатишларга мувофиқ хунармандчилик фаолиятининг турлари рўйхати 42 турдан 34 турга қисқарди.

Бундан буён гулли композициялар аранжировкаси, витраж ишлари, наққошлик ишлари, ёғоч меъморчилиги, соатларни таъмирлаш, мебелларни безаш, авторлик кийим-бошлар ва пойабзаллар тайёрлаш, миллий ширинликлар, нон-булка маҳсулотлари ва донали овқатларнинг айрим турларини тайёрлаш, металлни таъмирлаш ишлари, муқовалаш ишлари, дурадгорлик ишлари, газламаларга безак тикиш, қўлда тўқиш ишлари хунармандчилик фаолияти деб ҳисобланмайди.

Энди мазкур фаолият турлари Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шугулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатига (7.01.2011 йилдаги 6-сон ВМҚ билан тасдиқланган) киритилди.

Бунда гулли композициялар аранжировкаси, мебелларни безаш, наққошлик ишлари, соатларни таъмирлаш билан шугулланадиган собиқ хунармандлар кўпи билан 3 нафар ходимни, фаолиятнинг бошқа турлари билан шугулланувчилар – кўпи билан 2 нафар ходимни (хунармандлар эса кўпи билан 3 нафар ходимни ёллашга ва 5 нафар шогирдни жалб этишга ҳаққилар) (216-сон Низомнинг 9-банди; 31.07.2015 йилдаги 219-сон ВМҚ билан тасдиқланган Низомга 1-илова).

Эслатиб ўтаамиз, 2017 йил 1 январдан Президентнинг 30.03.2010 йилдаги ПФ-4210-сон Фармони билан белгиланган хунармандлар учун қатъий белгиланган солиқни тўлашдан озод қилиш тарзидаги имтиёзнинг амал қилиш муддати тугайди. Шу пайтдан бошлаб хунармандлар қатъий белгиланган солиқни ойига ЭКИХнинг 0,5 баравари миқдорида тўлайдилар. Таққослаш учун: бошқа яқка тартибдаги тадбиркорлар ойига ЭКИХнинг 10 бараварига миқдорида тўлашлари лозим.

Бюджет интизомини бузганлик учун жавобгарлик чораларига ўзгартиришлар киритилди

26.12.2016 йилдаги ЎРҚ-416-сон Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175-2-моддасига, шунингдек Жиноят кодексининг 184-1-моддасига ўзгартиришлар киритилди. Қонун 27.12.2016 йилдан кучга кирди («Норма маслахатчи» газетасининг 1 (598)-сонида чоп этилган).

Молия йилида бюджет ва смета-штат интизомини бузганлик учун жавобгарлик тури ва жарима миқдори қонунбузарлик қанча миқдорда содир этилганлигига боғлиқ бўлади.

Тури	Содир этилиш ҳолати	Жазо чораси
Маъмурий жавобгарлик	Молия йилида бюджет ва смета-штат интизомини бузиш унча кўп бўлмаган миқдорда содир этилганда (ЭКИХнинг 30 бараваридан 100 бараваригача)	Мансабдор шахсларга ЭКИХнинг 3 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима
	Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилганда ёхуд анча миқдорда содир этилганда (ЭКИХнинг 100 бараваридан 300 бараваригача)	Мансабдор шахсларга ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима
Жиноий жавобгарлик	Молия йилида бюджет ва смета-штат интизомини бузиш кўп миқдорда содир этилганда (ЭКИХнинг 300 бараваридан 500 бараваригача)	ЭКИХнинг 50 бараваригача миқдорда жарима ёки 1 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 6 ойгача қамок
	Ўша қилмиш жуда кўп миқдорда содир этилганда (ЭКИХнинг 500 баравари ва ундан юқори)	ЭКИХнинг 50 бараваридан 75 бараваригача миқдорда жарима ёки 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 1 йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд 1 йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш

Бюджет ташкилотлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигига доир

ЎРҚ-416-сон Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 175-6-модда билан тўлдирилди, унда бюджет сўровини, рўйхатдан ўтказиш учун харажатлар сметаларини ва штат жадвалларини, шунингдек молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилди.

Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар учун мансабдор шахслар жавобгарликка тортилади.

Бюджет сўровини, рўйхатдан ўтказиш учун харажатлар сметаларини ва штат жадвалларини, шунингдек молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартибини бузганлик учун ЭКИХнинг 1 бараваридан 2 бараваригача миқдорда жарима солиниши белгиланган.

Фирибгарлик учун жазо қатъийлашди

ЎРҚ-416-сон Қонун билан Жиноят кодексининг 168-моддасига тузатишлар киритилди, уларда фирибгарлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Энди фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончини суистеъомол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини

ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш ЭКИХнинг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима ёки 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 1 йилдан 3 йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд 3 йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фирибгарлик анча миқдорда (ЭКИХнинг 100 бараваридан 300 бараваригача) ёки бир гуруҳ шахслар томонидан олдидан тил бириктириб, шунингдек компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, ЭКИХнинг 100 бараваридан 300 бараваригача миқдорда жарима ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 3 йилдан 5 йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд 3 йилдан 5 йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Агар айбдорларнинг қилмишлари кўп миқдорда (ЭКИХнинг 300 бараваридан 500 бараваригача), такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, шунингдек хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган бўлса, жазо чоралари янада қатъийроқ бўлади. Мазкур қилмишлар учун айбдорлар ЭКИХнинг 300 бараваридан 400 бараваригача миқдорда жарима ёки 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда 5 йилдан 8 йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Нихоят, фирибгарлик жуда кўп миқдорда (ЭКИХнинг 500 баравари ва ундан юқори), ўта хавфли рецидивист томонидан, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўлаб содир этилган бўлса, ЭКИХнинг 400 бараваридан 600 бараваригача миқдорда жарима ёки 8 йилдан 10 йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш тартиқсиди энг қатъий жазо чоралари назарда тутилган.

Бунда етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда, айбдорларга нисбатан озодлиқни чеклаш ва озодлиқдан маҳрум қилиш тартиқсиди жазо қўлланилмайди.

Давлат ветеринария назорати нормаларига тузатишлар киритилди

ЎРҚ-416-сон Қонун билан қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар «Ветеринария тўғрисида»ги Қонунга (29.12.2015 йилдаги ЎРҚ-397-сон Қонун тахририда) мувофиқлаштирилди.

Нима учун жазолайдилар?

МЖТКнинг 109-моддасида назарда тутилган маъмурий жавобгарликнинг таркиби ўзгартирилди. Энди ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бузганлик, эпизоотияларга қарши курашиш чораларини кўрмаганлик учун (илгари – ҳайвонлар карантини қоидаларини ва бошқа ветеринария-санитария қоидаларини бузганлик, эпизоотияларга қарши курашиш чораларини кўрмаганлик учун) жавобгарлик белгиланди.

ЖКнинг 200-моддасига кўра ветеринария, ветеринария-санитария қоидаларини (илгари – зоотехника қоидаларини) бузиш ҳайвон ёки паррандалар эпидемияси (эпизоотия) тарқалишига, уларнинг ялли қирилиб кетиши ёки

2-бетда

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз



бошқача оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган ҳолларда, жавобгарлик юзага келади.

Ким ишни кўриб чиқади?

МЖТКнинг 109-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар Давлат ветеринария хизмати тааллуқлидир.

Қуйдагилар давлат ветеринария хизмати номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва жарима солиш тарикасидаги маъмурий жазо чорасини қўллашга ҳақли:

Бош давлат ветеринария инспектори ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар бош давлат ветеринария инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари, давлат чегарасидаги ва транспортдаги бош давлат ветеринария инспектори ва унинг ўринбосарлари — ЭКИХнинг 2 бараваригача миқдорда;

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармасининг давлат ветеринария инспекторлари, туманлар ва шаҳарларнинг бош давлат ветеринария инспекторлари, чегара ва транспортдаги ветеринария пунктларининг (участкаларининг) давлат ветеринария инспекторлари ҳамда ветеринария участкаларининг ва бозорлардаги ветеринария-санитария экспертизаси лабораторияларининг давлат ветеринария инспекторлари — ЭКИХнинг 1 бараваригача миқдорда (МЖТКнинг 259-моддаси).

Хавфсизлик талаблари

«Ташиқ иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонунда олиб кириладиган товарларга қўйиладиган талаблар (27-модда) аниқлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган товарлар белгиланган техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, ветеринария-санитария, фитосанитария ва экология стандартлари, талаблари, қоидалари ва нормаларига мувофиқ бўлиши лозимлиги кўрсатилган.

Қуйдаги товарларни олиб кириш тақиқланади: юқорида айтиб ўтилган стандартлар, талаблар, қоидалар ва нормаларга мос келмайдиган;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда сертификатка, маркировкага ёки мувофиқлик белгисига эга бўлмаган.

Шунингдек «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунга тегишли ўзгартишлар киритилди.

Хусусан, янги озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқаришга, янги технология жараёнларини, ускуналарни жорий этишга уларнинг токсикология-гигиена экспертизасидан кейин йўл қўйилади.

Ҳайвонлардан олинadиган озиқ-овқат хом ашёсини ишлаб чиқаришга эса давлат ветеринария хизмати то-

монидан ўтказиладиган ветеринария ва ветеринария-санитария экспертизасидан кейин ва (ёки) маҳсулот белгиланган қоидалар ва нормаларга мослиги ҳақида давлат санитария нazorатини амалга оширувчи органларнинг санитария-эпидемиологик хулосаси, давлат ветеринария хизматининг ветеринария хулосаси олинганидан, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотини давлат реестрига киритилганидан кейин йўл қўйилади.

Ҳайвонлардан олинadиган озиқ-овқат хом ашёсини етиштириш чоғида ветеринария дори воситаларини ва озукабоп қўшимчаларни қўллашга улар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин йўл қўйилади (10, 11-моддалар).

Муддати ўтган маҳсулот йўқ қилиб ташланади

Яроқлилик муддати ўтган, сифатсизлиги белги бериб турган, таққослаш ва ишлаб чиқарувчисини аниқлаш мумкин бўлмаган, шунингдек санитария-гигиена экспертизаси, лаборатория текширувлари ва (ёки) ветеринария, ветеринария-санитария экспертизаси ва сертификатлаштириш синовлари натижаларига кўра давлат санитария нazorати ва (ёки) давлат ветеринария хизмати органлари томонидан овқатга ишлатиш учун яроқсиз деб топилган озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқарилиш ва реализация қилинишдан олиб ташланади, у белгиланган мақсадда ишлатилмаслиги ҳамда қайта ишланиши ёки йўқ қилиб ташланиши керак.

Озиқ-овқат маҳсулотининг эгаси давлат санитария нazorати ва (ёки) давлат ветеринария хизмати органлари ушбу маҳсулотдан фойдаланилганлиги ёки у йўқ қилиб ташланганлиги тўғрисидаги далолатномани тақдим этади (17-модда).

Солиқ имтиёзлари тартибга солинди

Солиқ кодексининг айрим нормаларига ҳам тузатишлар киритилди.

Тиббий хизматлар (косметология хизматлари бундан мустасно) ва ветеринария хизматлари, дори воситалари, ветеринария дори воситалари, тиббиёт ва ветеринария учун мўлжалланган буюмларни реализация қилиш обороти, шу жумладан уларни ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилинаётган шундай воситалар ва буюмлар ҚҚС тўлашдан озод қилинади.

Мазкур имтиёзни қўллаш мақсадида ветеринария хизматлари жумласига қуйдагилар киритилади:

○ ҳайвонларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш;

○ ҳайвонлар касалликлари пайдо бўлишининг, тарқалишининг олдини олиш ҳамда бу касалликларни тугатиш, аҳолини ҳайвонлар ва одам учун умумий бўлган касалликлардан муҳофаза қилиш;

○ мамлакат ҳудудини ҳайвонларнинг юқумли касалликлари олиб кирилишидан муҳофаза қилиш;

○ ҳайвонларга ветеринария хизмати кўрсатилишини амалга ошириш, шунингдек Ўзбекистон ҳудудига ветеринар осийишталикни, давлат ветеринария хизмати нazorати остидаги товарларнинг ветеринария, ветеринария-санитария хавфсизлигини таъминлаш (Солиқ кодексининг 208-моддаси).

Шунингдек дори воситалари, ветеринария дори воситалари, тиббиёт ва ветеринария учун мўлжалланган буюмлар, шунингдек дори воситалари, ветеринария дори воситалари, тиббиёт ва ветеринарияга мўлжалланган буюмлар ишлаб чиқариш учун қонун ҳужжатларида белгиланadиган рўйхат бўйича олиб кириладиган хом ашё ҚҚС тўлашдан озод қилинади.

Мазкур имтиёз олиб кириладиган, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланadиган рўйхат бўйича Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқариладиган тайёр дори воситаларига, ветеринария дори воситаларига, тиббиёт ва ветеринария учун мўлжалланган буюмларга нисбатан таъбиқ этилмайди (Солиқ кодексининг 211-моддаси).

Қонун билан айрим бошқа ўзгартиришлар ҳам киритилган.

Лизингга берувчининг ҳуқуқлари кенгайтирилди

«Лизинг тўғрисида»ги Қонунга лизингга берувчининг ҳуқуқларига дахлдор тузатишлар киритилди. Тузатишлар 27.12.2016 йилдаги ЎРҚ-417-сон Қонун билан киритилди ва 1.01.2017 йилдан кучга кирди («СБХ»нинг 1 (1169)-сонда чоп этилган).

Маълумот учун: лизинг — молиявий ижаранинг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топширигига биноан учинчи тарафдан (сotueвичдан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб олади ва уни лизинг олувчига шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун 12 ойдан ортқ муддатга беради.

Киритилган ўзгартиришлар билан лизинг олувчи томонидан ўз мажбуриятларининг жиддий равишда бузилишига йўл қўйилган тақдирда, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, келгуси лизинг тўловларини тўлашни тезлаштиришни ёки лизинг объектини қайтиб олган ва зарарни ундирган ҳолда шартномани бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқи берилган.

Эслатиб ўтамин, илгари Қонунда лизинг олувчи лизинг шартномасини жиддий тарзда бузган тақдирда барча лизинг тўловларини муддатидан илгари тўлашни талаб этиш ҳуқуқи ҳақида айтилган эди.

Шу тариқа, мазкур норма Фуқаролик кодексининг 597-моддаси 4-қисмига мувофиқлаштирилди.

Олег Заманов, Самир Латипов,
«Norma Online» экспертлари.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 10 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйиладиган қийматини белгиледи.*

1 Австралия доллари	2370,64	1 Малайзия ринггити	724,73
1 Англия фунт стерлинги	3967,93	1 Польша злотийси	784,50
1 Дания кронаси	459,44	1 СДР	4378,19
1 БАА дирҳами	883,17	1 Туркия лираси	889,69
1 АҚШ доллари	3243,89	1 Швейцария франки	3187,48
1 Миср фунти	181,73	1 ЕВРО	3419,18
1 Исландия кронаси	28,56	10 Жанубий Корея вон	26,88
1 Канада доллари	2447,85	10 Япония иенаси	276,22
1 Хитой юани	467,93	1 Россия рубли	53,48
		1 Украина гривнаси	120,05

* Валюта қийматини белгиланиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

УШБУ СОНДА

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

— Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

— Валюталар курси

1-2-бетлар

• РАСМИЙ ҲУЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни:

— «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий

мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида».

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни дав-

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	9.01.2017	1	1,7742	1	1,8677	1	0,0298
Арманистон	9.01.2017	1	483,94	1	512,2	1	7,88
Беларусь	9.01.2017	1	1,9538	1	2,0676	100	3,2769
Грузия	9.01.2017	1	2,7674	1	2,9334	100	4,6779
Қозоғистон	9.01.2017	1	330,67	1	350,38	1	5,57
Қирғизистон	9.01.2017	1	69,2143	1	73,3246	1	1,1624
Молдова	9.01.2017	1	20,1848	1	21,3677	1	0,3398
Россия	31.12.2016	1	60,6569	1	63,8111	—	—
Тожикистон	9.01.2017	1	7,8797	1	8,3336	1	0,1291
Туркменистон	9.01.2017	1	3,5000	1	3,6845	100	5,8766
Украина	10.01.2017	100	2 702,0929	100	2 861,2462	10	4,4547

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

лат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2016 йил 24 декабрдан 2017 йил 6 январгача бўлган маълумот

3-6-бетлар

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

— Меҳнат дафтарчаси: алмаштириш талаб этилса
— Ходимларни аттестациялаш: фақат иш вақтида

— Иш берувчининг ўзбошимчалиги ёки зарурий нazorат

7-бет

• ҲЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ

— Лицензиясиз улгуржи савдо
— «Директор ўрнига» имзо
— Туризм хизматлари: амалдаги қоидаларга кўра ҳақ тўлаш

8-бет

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақидаги ахборотини учинчи шахсларга бермаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

ларини ёзиш органлари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2016 йил 26 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2272-2.

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2016 йил 26 декабрдаги 306-мх-сон «Фуқаролик ҳолати далолатнома-ларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2016 йил 26 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2547-1.

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2016 йил 26 декабрдаги 308-мх-сон «Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан адлия органларига тақдим этиладиган ҳисобот шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2016 йил 26 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2852.

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 12 декабрдаги 91-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (1-сонли БҲС) «Ҳисоб сисъати»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2016 йил 27 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2853.

6. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитасининг 2016 йил 27 декабрдаги 01/09-26/47, 92, 4-мб-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги ва Иқтисодий вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ўртасида давлат унитар корхоналари, устав фондида давлат улуши бўлган ҳўжалик жамиятлари, давлат улуши бўйича давлат бюджетига дивидендлар ҳисобланиши ва тушиши ҳақида маълумот алмашиш тартиби тўғрисидаги низомни тас-

диқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 4 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1456-1.

7. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 30 декабрдаги 93-сон «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджети ижросининг молия органларида бухгалтерия ҳисоби бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи, шунингдек унга қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 4 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1560-2.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви-нинг 2016 йил 28 декабрдаги 41/1-сон «Ўзбекистон Респу-бликаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисоба-рақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 5 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1863-4.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички иш-лар вазирлигининг 2016 йил 28 декабрдаги 5, 42-сон «Ижро ҳаракатлари амалга оширилаётган жойларда жамоат тарти-бини сақлашни таъминлаш бўйича йўриқномага ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 5 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1653-1 (2017 йил 17 мартдан кучга киради).

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2016 йил 28 декабрдаги 6, 43-сон «Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий кел-тириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 12-бандига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 5 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1654-1 (2017 йил 17 мартдан кучга киради).

II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси-нинг «2016 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2728, 2015 йил 13 ноябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимча (рўй-хат рақами 2728-1, 2016 йил 12 май).

Адлия вазирининг 2016 йил 1 декабрдаги 274-мх-сон буйруғига асосан 2017 йил 1 январда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг «Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта қўриб чиқиш тўғри-сида»ги қарори (рўйхат рақами 2738, 2015 йил 10 декабрь).

Адлия вазирининг 2016 йил 1 декабрдаги 278-мх-сон буйруғига асосан 2017 йил 1 январда давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг «Давлат бюджетининг газна ижроси қондаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2007, 2009 йил 16 сентябрь).

Адлия вазирининг 2016 йил 22 декабрдаги 302-мх-сон буйруғига асосан 2017 йил 1 январда давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш

ва тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўми-таси, Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги ва Иқ-тисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ўртасида давлат унитар корхоналари, устав фондида давлат улуши бўлган ҳўжалик жамиятлари, давлат улуши бўйича давлат бюджетига дивидендлар ҳисобланиши ва тушиши ҳақида маълумот алмашиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1456, 2005 йил 10 март).

Адлия вазирининг 2017 йил 4 январдаги 1-мх-сон буй-руғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг «Қора-қалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджети ижросининг молия органларида бухгалтерия ҳисоби бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1560, 2006 йил 10 апрель), шунингдек унга қўшимча (рўйхат рақами 1560-1, 2006 йил 7 июль).

Адлия вазирининг 2017 йил 4 январдаги 2-мх-сон буй-руғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.



РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ:

— «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (қўчирма).

• МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2016 ЙИЛ 24 ДЕКАБРДАН 2017 ЙИЛ 6 ЯНВАРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШINI ТАЪМИНЛАШГА, ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ВА ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯХШИЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

(Қўчирма)

Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 6 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2016 йил 13 декабрда маъқулланган

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 9.01.2017 йилдаги 1 (761)-сон, 1-модда)

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **45-модда** қуйидаги мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланмайдиган, бундан одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳоллар мустасно»;

2) **178-модда** қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг биринчи қисмида, иккинчи қисмининг «а» ва «в» бандларида назарда тутилган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда яширилган чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасининг ваколат берилган банклари ҳисобига ихтиёрий равишда ўтказилишини таъминлаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади»;

3) **180-модда** қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади»;

4) **181-модда** қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади»;

5) **181'-модда** қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади»;

6) **188-модда** қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган, тадбиркорлик субъектининг рўйхатдан ўтказилишини таъминлаган ва зарур бўлган рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирган бўлса, жавобгарликдан озод этилади»;

7) **189-модда** қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидалари бузилишининг оқибатлари-

*Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 30.12.2016 йилдаги 258 (6693)-сониде эълон қилинган.

**Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚДа ва norma.uz, nm.uz сайтларида танишиш мумкин.

ни бартараф этган ва етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоллаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади»;

8) 190-модда:

биринчи қисмининг диспозициясидаги «шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса» деган сўзлар «қўп миқдорда даромад олиш билан боғлиқ бўлса» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми куйидаги мазмундаги **иккинчи ва учинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Ушба ҳаракат:

а) жуда қўп миқдорда;

б) хавфли реңидивист томонидан;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамқоқ билан жазоланади.

Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда фаолият билан лицензиясиз шугулланиш оқибатларини бартараф этган ва етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоллаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси**га куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **69-модданинг тўртинчи қисмидаги** «91, 92, 136–138, 146, 147, 149, 151, 156 ва 193-моддаларида» деган сўзлар «91, 92, 136–138, 146, 147, 149, 151, 156-моддаларида, 221-Бобид ва 193-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **84-модда биринчи қисмининг 8-банди** «туфайли» деган сўздан кейин «ёхуд белгиланган муддат ичида етказилган моддий зарарнинг ўрни қолланганлиги ва (ёки) жиноят оқибатлари бартараф этилганлиги муносабати билан» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) куйидаги мазмундаги **221-Боб** билан тўлдирилсин:

«221-Боб. Тафтиш

187-модда. Тафтиш тайинлаш учун асослар

Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларни тафтиш қилиш иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни текшириб оlingan субъектларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатларини ва бошқа ҳужжатларини ўрганиш ҳамда таққослаб кўриш йўли билан олиш мумкин бўлган ҳолларда тайинланади. Суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки судьянинг махсус билимларга эга эканлиги тафтишнинг тайинлашдан озод этмайди.

Тадбиркорлик субъектини тафтиш қилиш фақат унинг қонун ҳужжатларини бузганлиги фактлари бўйича кўзгатишган жиноят иши доирасида амалга оширилади. Бунда тафтишга тадбиркорлик субъектининг фақат кўзгатишган жиноят иши билан боғлиқ фаолияти қамраб олиниши мумкин.

Жиноят иши кўзгатишгунча қадар тафтишни тайинлашга фақат қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади.

187-модда. Тафтиш тайинлаш

Тафтиш суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан тайинланади.

Тафтишнинг тайинлаш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда куйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

1) текширилаётган субъектнинг тўлиқ номи ва унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли (яқка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми, отасининг исми), солиқ тўловчининг идентификация рақами ва юридик манзили;

2) жиноят ишининг рақами ёки тафтишни тайинлаш учун терговга қадар текшириш жараёнида юзга келган асослар ёхуд қўшимча ёки қайта тафтиш тайинлаш учун асослар;

3) тафтиш ўтказиш чоғида ўрганиладиган масала ёки масалалар доираси;

4) молия-ҳўжалик фаолиятининг тафтиш қилиниши лозим бўлган даври;

5) тафтиш ўтказиш топширилган ваколатли органнинг номи, шу жумладан қўшимча равишда жалб этиладиган давлат органлари ва ташкилотлар.

Тафтиш ўтказиш чоғида тафтишни тайинлаш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда кўрсатилмаган масалани ёки масалалар доирасини, шунингдек молия-ҳўжалик фаолиятининг даврини ўрганиш тақиқланади.

Ушбу Кодекснинг 187-моддасида кўрсатилган органлар ва ташкилотлар тафтишни тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажрим олинган пайтдан эътиборан икки иш кунидан кечиктирмай тафтиш ўтказиш ҳақида тафтишни ўтказиш учун тайинланган шахсларни албатта кўрсатган ҳолда буйруқ чиқаради.

187-модда. Тафтиш ўтказиш учун тайинланадиган шахслар

Тафтиш ўтказиш учун тайинланадиган шахслар сифатида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютаси оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг, давлат солиқ хизматининг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва ҳудудий молия органларининг мутахассислари иштирок этиши мумкин.

Зарур бўлган ҳолларда, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарорига ёхуд суднинг ажримида кўра бошқа давлат органлари ва ташкилотларнинг ходимлари ҳам тафтиш ўтказиш учун жалб этилиши мумкин.

187-модда. Тадбиркорлик субъектларини тафтишдан ўтказиш шартлари

Тадбиркорлик субъектларини тафтиш қилиш юридик хизмат вакиллари ва (ёки) жалб этилган адвокатлар албатта иштирок этган ҳолда (тадбиркорлик субъекти мазкур ҳуқуқдан воз кечган ҳоллар бундан мустасно) ўтказилади.

Юридик хизмат вакилининг иштирокидан ва (ёки) адвокатнинг юридик ёрдамидан воз кечиш тафтишнинг кейинги босқичларида тадбиркорлик субъекти томонидан уларни жалб этиш учун тўсик бўлмайди.

Тафтиш ўтказувчи шахс тадбиркорлик субъектининг ваколатли вакилига унинг тафтиш ўтказишда иштирок этишига юридик хизмат вакилини ва (ёки) адвокатни жалб этишга ёхуд уларнинг иштирокидан воз кечишга бўлган ҳуқуқини тафтиш ўтказиш бошлангунча қадар ёзма шаклда тушунтиради ва бу ҳақда баённома тузилади.

Агар тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахси ёки вакили томонидан юридик хизмат вакилини ва (ёки) адвокатни жалб этиш нияти билдирилса, тафтиш ўтказишнинг бошлангунча юридик хизмат вакили ва (ёки) адвокат этиб келгунча қадар, бироқ қўли билан йигирма тўрт соатга тўхтатиб турилади.

Юридик хизмат вакилининг ва (ёки) адвокатнинг йигирма тўрт соат ичида этиб келиш имконияти бўлмаган тақдирда, тафтиш уларнинг иштирокисиз бошланади.

Тафтиш ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи куйидаги ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши тадбиркорлик субъектини тафтишдан ўтказишнинг мажбурий шартдир:

тафтиш тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажрим; ваколатли органнинг тафтиш ўтказиш тўғрисидаги буйруғи;

тафтиш ўтказувчи шахснинг хизмат гувоҳномаси; тафтишга рухсат бериш тўғрисидаги махсус гувоҳнома.

187-модда. Тафтиш ўтказиш тартиби

Тафтиш ўтказиш учун тайинланган шахслар текшириб оlingan субъектнинг мансабдор шахсларини ёки вакиллари тафтиш ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатлар билан тафтиш

Солиқ тўловчи молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текшируви (тафтиши) – текширувларни амалга оширишнинг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланган мувофиқлаштириш режаси асосида ўтказиладиган текширувдир.

Режадан ташқари солиқ текшируви – юридик шахс тугатилиши муносабати билан ўтказиладиган солиқ тўловчи молия-хўжалик фаолиятининг солиқ текшируви (тафтиши), шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган қарорига кўра ўтказиладиган қисқа муддатли текширувдир;

2) 88-модда:

иккинчи қисмининг:

биринчи хатбошисидаги «бешинчи» деган сўз «тўртинчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошисидаги «текшириладиган давр (тафтиш учун)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошисидаги «текширувчи мансабдор шахслар таркиби, текшириладиган давр» деган сўзлар «текширувчи мансабдор шахслар таркиби» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бозорларнинг, савдо комплексларининг ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида бир марталик йигимлар, ижара ҳақи тўлиқ тушишига ва топширилиши ҳисобга олинишига, фискал хотирида назорат-касса машиналаридан, тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларида фойдаланилишига, шунингдек савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишига тааллуқли қисқа муддатли текширувлар ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади:

назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органнинг текширув ўтказиш тўғрисидаги текшириладиган объектнинг номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами, текширувнинг мақсадлари, текширув ўтказиш муддатлари ва уни асословчи сабаблар кўрсатилган қарори;

давлат солиқ хизмати органининг қонун ҳужжатларида ваколат берилган бўлинимаси бошлигининг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органнинг қарори асосида чиқарилган, текширув ўтказиш мақсадлари, муддатлари ва текширувчи мансабдор шахсларнинг таркиби кўрсатилган ҳолдаги буйруғи»;

тўртинчи қисми чиқариб ташлансин;

бешинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин;

3) 90-модда:

биринчи қисмидаги «учинчи ва тўртинчи» деган сўзлар «учинчи, тўртинчи ва бешинчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу моддада кўрсатилган тadbиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар молия йили мобайнида мунтазам равишда тўланмаган тақдирда, режали текширувлардан ўтказилиши мумкин»;

4) 91-модданинг:

тўққизинчи ва ўнинчи қисмлари чиқариб ташлансин; **ўн биринчи, ўн иккинчи ва ўн учинчи қисмлари** тегишинча **тўққизинчи, ўнинчи ва ўн биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

5) 92-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги «ёки муқобил текширув (ушбу Кодекс 88-моддасининг учинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган асосларга кўра режадан ташқари ўтказиладиган текширув бундан мустасно)» деган сўзлар «(ушбу Кодекс 88-моддасининг тўртинчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича ўтказиладиган режадан ташқари солиқ текшируви бундан мустасно)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 109-модда қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш чоғида биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган тadbиркорлик субъекти қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда йўл қўйилган қоидабузарликларни ихтиёрий равишда бартараф этган ва етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган, шу жумладан солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаган тақдирда, унга нисбатан жарималар ҳамда молиявий санкциялар (пенядан ташқари) қўлланилиши мумкин эмас».

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелда қабул қилинган «Оилавий тadbиркорлик тўғрисида»ги ЎРҚ–327-сонли Қонунининг **27-моддаси** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу моддада кўрсатилган оилавий корхонанинг молия-хўжалик фаолияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар молия йили мобайнида мунтазам равишда тўланмаган тақдирда, режали текширишлардан ўтказилиши мумкин».

14-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

15-модда. Ушбу Қонун 2017 йил 1 январдан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ.

*Тошкент ш.,
2016 йил 29 декабр,
ЎРҚ–418-сон.*

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ADLIA VAZIRLIGI VAZIRLIKLAR, DAVLAT QUMITALARI VA IDORALARNING NORMATIV-HUQUQIY HужжATLARINI DAVLAT RUYXATIDAN UTKAZISH QOLATI TUGRISIDA 2016 йил 24 DEKABRDAN 2017 йил 6 янвARGACHA BўLGAN MAълUMOTNI MAълUM QILADI

I. DAVLAT RUYXATIDAN UTKAZILDI:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2016 йил 26 декабрдаги 304-мх-сон «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатлари амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2016 йил 26 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2090-12.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2016 йил 26 декабрдаги 305-мх-сон «Фуқаролик ҳолати далолатнома-

кабрда қабул қилинган «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги 717-1-сонли Қонунига қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 2-модда:

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Терговга қадар текширишлар чоғида ва қўзғатилган жиноят ишлари бўйича молия-хўжалик фаолияти текширувлари нияти ўтказиш тартиби жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиги»;

учинчи ва тўртинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи ва бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) 3-модданинг олтинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«**қисқа мuddатли текшириш** – назорат қилувчи органлар жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида амалга оширадиган текшириш»;

3) 4-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги «муқобил текшириш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) 8-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги «махсус ваколатли орган билан келишмай» деган сўзлар «махсус ваколатли органининг қарорисиз» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 9-модданинг бешинчи ва олтинчи қисмлари чиқариб ташлансин;

6) 10¹-модда:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Хусусий банклар ва бошқа хусусий молия институтларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар қўли билан беш йилда бир марта амалга оширилади»;

иккинчи ва учинчи қисмлари тегишинча **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

учинчи қисмидаги «учинчи» деган сўз «тўртинчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу моддада кўрсатилган тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар молия йили мобайнида мунтазам равишда тўланмаган тақдирда, режали текширишлардан ўтказилиши мумкин»;

7) 12-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«**12-модда. Қисқа мuddатли текширишлар**

Қисқа мuddатли текширишлар жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида махсус ваколатли органининг қарорига кўра режадан ташқари текшириш тарзида назорат қилувчи органлар томонидан амалга оширилади.

Махсус ваколатли органининг текширилаётган объектнинг номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами, текшириш ўтказилишнинг мақсади, мuddатлари ҳамда уни ўтказиш сабабларининг асослиги кўрсатилган қисқа мuddатли текшириш ўтказишга доир қарорлари, шунингдек текширишни амалга оширувчи тегишли назорат қилувчи органининг махсус ваколатли органининг қарори асосида чиқарилган, мансабдор шахсларнинг таркиби ва текширишни ўтказиш мuddатлари кўрсатилган буйруғи хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини қисқа мuddатли текширишдан ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади»;

8) 14¹-модда чиқариб ташлансин;

9) 16-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «ёки унинг худудий бўлиналари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги 69-11-сонли Қонунига (Ўзбе-

кистон Республикасининг 2012 йил 2 майда қабул қилинган ЎРҚ–328-сонли Қонуни тахририда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 39-модда:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг биринчи–тўртинчи қисмларида кўрсатилган тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар молия йили мобайнида мунтазам равишда тўланмаган тақдирда, режали текширишлардан ўтказилиши мумкин»;

бешинчи–ун еттинчи қисмлари тегишинча **олтинчи–ўн саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

ўн учинчи қисми «Босқичларида» деган сўздан кейин «юридик хизмат вакиллари ва (ёки)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

ўн тўртинчи қисми «адвокатни жалб этиш ёки унинг» деган сўзлар «юридик хизмат вакиллари ва (ёки) адвокатни жалб этиш ёки уларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн бешинчи қисмидаги «давлат солиқ хизмати органларининг фақат қонун ҳужжатларида ваколат берилган бўлиналари томонидан мажбурий бўлиналари бошлиқларининг буйруқлари асосида ўтказилиб, кейинчалик бу ҳақда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли орган ёки унинг тегишли худудий бўлиналари қисқа мuddатли текширув ўтказилган кундан эътиборан бир иш кунини ичда ҳабардор қилинади» деган сўзлар «назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органининг жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида қабул қилинган қарорига биноан давлат солиқ хизмати органларининг фақат қонун ҳужжатларида ваколат берилган бўлиналари томонидан ўтказилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 41-модданинг иккинчи қисмидаги «режадан ташқари ёхуд муқобил» деган сўзлар «қисқа мuddатли» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги 71-11-сонли Қонуни **21-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«лицензия талаблари ва шартларига лицензиат томонидан риоя этилиши юзасидан қисқа мuddатли текширишларни жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида махсус ваколатли органининг – Ўзбекистон Республикаси назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг қарорига кўра қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказиш».

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган «Хусусий корхона тўғрисида»ги 558-11-сонли Қонунининг **25-моддаси** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу моддада кўрсатилган хусусий корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар молия йили мобайнида мунтазам равишда тўланмаган тақдирда, режали текширишлардан ўтказилиши мумкин».

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг **Солиқ кодексига** қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 86-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Солиқ текширувлари қуйидаги турларга бўлинади: режали солиқ текшируви; режадан ташқари солиқ текшируви.

ўтказиш бошлангунига қадар таништириши, шунингдек текширувларни рўйхатдан ўтказиш китобига ёзув кириштириш шарт. Тафтиш тайинлаш тўғрисидаги қарорнинг ёки ажримнинг ва ваколатли органининг тафтиш ўтказиш ҳақидаги буйруғининг кўчирма нусхалари текширилаётган субъектнинг мансабдор шахсига ёки вакилига имзо қўйдириб топширилган, шунингдек улар хизмат гувоҳномаси ва тафтишга рухсат бериш тўғрисидаги махсус гувоҳнома билан таништирилган пайт тафтиш ўтказиш бошланган пайт деб ҳисобланади.

Текширилаётган субъект мансабдор шахсининг ёки вакилининг тафтиш ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатларни олиш ва улар билан танишишдан бош тортиши тафтишни бекор қилиш учун асос бўлмайди.

Текширилаётган субъектнинг мансабдор шахси ёки вакили тегишли ҳужжатларни олиш ва улар билан танишишдан бош тортган тақдирда, тафтиш ўтказиш учун тайинланган шахс томонидан унинг ўзи ва текширилаётган субъектнинг мансабдор шахси ёки вакили имзолайдиган баённома тузилади. Текширилаётган субъектнинг мансабдор шахси ёки вакили мазкур баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, унга тегишли ёзув ёзиб қўйилади. Мазкур ҳолда баённома имзоланган пайт тафтиш ўтказиш бошланган пайт деб ҳисобланади.

Текширилаётган субъектнинг мансабдор шахси ёки вакили тафтиш ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларни, ахборотни ва материалларни тафтиш ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатлар олинганidan ва улар билан танишиб чиқилганидан кейин тақдим этиши шарт.

Текширилаётган субъектнинг мансабдор шахси ёки вакили ҳужжатларни, ахборот ва материалларни тақдим этишдан бош тортган тақдирда, тафтиш ўтказувчи шахс бундан бунгича процессуал ҳаракатларни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилмаганда суриштирувчи, терговчи, прокурорга ёки судга бу ҳақда дарҳол хабар қилади.

Ҳужжатларни олиб қўйиш зарур бўлган тақдирда, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор олиб қўйиш тўғрисида қарор, суд эса ажрим чиқаради. Олиб қўйиш ўшбу Кодекснинг 20-бобида белгиланган қоидалар бўйича амалга оширилади.

Тафтиш ўтказувчи шахс зарур бўлган тақдирда, текширилаётган субъектнинг ҳудуди ва биноларини текширувдан, шунингдек мол-мулкнинг инвентаризациядан ўтказиши мумкин. Тафтиш тайинлаш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда кўрсатилган масалаларни ўрганиш солиқ, валютага оид, бухгалтерия тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Тафтиш ўтказувчи шахсининг текширилаётган субъектнинг ҳудудига ва биноларига (турар жойлар бундан мустасно) киришига тўқтинлик қилинган, шунингдек тафтишни амалга ошириш учун унинг мол-мулкни инвентаризациядан ўтказиш рад қилинган тақдирда, тафтиш ўтказувчи шахсининг ўзи ва текширилаётган субъектнинг мансабдор шахси ёки вакили томонидан имзолашдан бундан бунгича процессуал ҳаракатларни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилмаганда суриштирувчи, терговчи, прокурорга ёки судга тақдим этилади.

Тафтиш ўтказувчи шахсининг текширилаётган субъектнинг ҳудудига ва биноларига (турар жойлар бундан мустасно) киришига тўқтинлик қилинганлиги, шу жумладан ўшбу субъектнинг мол-мулкни инвентаризациядан ўтказиш рад этилганлиги, шунингдек тафтиш ўтказувчи шахсининг ўз хизмат мажбуриятларини бажаришига тўқтинлик қилинганлиги қонунда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

Тафтиш ўтказувчи шахсларнинг ўз хизмат мажбуриятларини бажаришига тўқтинлик қилинганлиги учун жавобгарликка тортиш тафтишни бекор қилиш учун асос бўлмайди.

Текширилаётган субъектнинг мансабдор шахсига ёки вакилига тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатнома топширилган кун тафтиш ўтказиш тугалланган кун деб ҳисобланади.

Текширилаётган субъектнинг мансабдор шахси ёки вакили тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатномани олишдан бўйин товланган тақдирда, тафтиш ўтказувчи шахс тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатномага бу ҳақда тегишли ёзув киритади ва шу пайтдан эътиборан тафтиш тугалланган деб ҳисобланади. Мазкур ҳолда тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг бир нусхаси текширилаётган субъектга почта орқали буюртма хат билан юборилади.

187^м-модда. Айрим ҳолларда тафтиш ўтказиш тартиби

Текширилаётган субъектнинг мансабдор шахси ёки вакили турган жой номаълум бўлган тақдирда, тафтиш ўтказувчи шахс тафтишни тайинлаш тўғрисидаги қарорнинг ёки ажримнинг ва ваколатли органининг тафтиш ўтказиш ҳақидаги буйруғининг кўчирма нусхаларини текширилаётган субъектнинг юридик манзилига ва унинг мансабдор шахсининг яшаш жойи манзилига уч иш кун ичида буюртма хат билан юборди. Бундай ҳолда буюртма хат юборилган сана тафтиш ўтказиш бошланган сана деб ҳисобланади.

Текширилаётган субъект мансабдор шахсининг ёки вакилининг йўқлиги тафтишни бекор қилиш учун асос бўлмайди. Бундай ҳолда тафтиш текширилаётган субъектнинг молия-ҳужжалик фаолияти тўғрисидаги, ишда мавжуд бўлган ҳужжатлар, ахборот ва материаллар асосида ўтказилади.

Текширилаётган субъектнинг ҳужжатлари, ахбороти ва материаллари йўқотилган, йўқ қилинган ёки мавжуд бўлмаган тақдирда, тафтиш ўтказувчи шахс тафтишни тайинлаш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда кўрсатилган масалаларни ўрганиши солиқ, валютага оид, бухгалтерия тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказиши мумкин.

Тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатнома текширилаётган субъектнинг юридик манзилига ва далолатноманинг кўчирма нусхаси текширилаётган субъект мансабдор шахсининг яшаш жойига буюртма хатлар билан юборилган кун тафтиш ўтказиш тугалланган кун деб ҳисобланади.

187^м-модда. Тафтиш ўтказиш муддатлари

Тафтиш ўтказиш муддати ўттиз календарь кундан иборатдир.

Зарур бўлган ҳолларда, текширилаётган субъектнинг ҳужжатлари ҳажми, фаолиятининг тури ва қўламлари ҳисобга олинган ҳолда, тафтиш муддати тафтиш ўтказувчи шахсининг асослангилган илтимосномасига кўра терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан узайтирилиши мумкин.

Тафтишнинг умумий муддати уни ўтказиш муддатлари узайтирилиши инobatта олинган ҳолда, дастлабки тергов ва суд мажлисида жиноят ишини ҳуқуққа қилинган ўшбу Кодексда белгиланган муддатларидан ошмаслиги керак.

187^м-модда. Тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатнома

Тафтиш ўтказувчи шахслар ўтказилган тафтиш натижаларига кўра далолатнома тузади.

Тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатномада қуйидагилар кўрсатилади:

- 1) тафтиш ўтказилган жой, далолатнома тузилган сана;
- 2) тафтиш ўтказиш учун асослар;
- 3) тафтиш ўтказилган муддат;
- 4) тафтиш ўтказган шахсларнинг фамилияси, исми, ота-исмининг исми;
- 5) юридик шахсининг тўлиқ номи, текширилаётган даврда унинг раҳбарлик вазифаларини ёки бухгалтерия ҳисоби ва мо-

лиявий бошқарув вазифаларини амалга оширган мансабдор шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми (якка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми, отасининг исми);

6) текширилаётган субъектнинг жойлашган ери (почта манзили), банк реквизитлари, шунингдек унинг солиқ тўловчининг идентификация рақами;

7) текширилаётган субъект молия-ҳўжалик фаолиятининг илгарии текширувлари тўғрисидаги маълумотлар;

8) текширилаётган давр ҳамда тафтиш ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатлар, ахборот ва материаллар тўғрисидаги умумий маълумотлар;

9) қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишларининг (улар мавжуд бўлган тақдирда) батафсил тавсифи қонун ҳужжатларининг бузилган нормаларига ҳавола қилинган ҳолда;

10) ўтказилган тафтиш натижаларига доир, шу жумладан қонун ҳужжатларининг бузилишлари мавжуд эмаслиги тўғрисидаги ҳулосалар.

Тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатнома камиди уч нусхада тузилади.

Тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг барча нусхалари тафтиш ўтказувчи шахслар томонидан имзоланади. Тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг бир нусхаси текширилаётган субъектнинг мансабдор шахсига ёки вакилига топширилади, у далолатноманинг барча нусхаларига олганлиги тўғрисида олиш санасини кўрсатган ҳолда имзо қўйиши шарт. Тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг қолган нусхалари тафтиш материалларига қўшиб қўйилади.

Текширилаётган субъект мансабдор шахсининг ёки вакилининг тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатномадаги имзоси унинг тафтиш натижаларидан рози эканлигини билдирмайди.

Тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатномага тафтишни тайинлаш тўғрисидаги қарорнинг ёки ажримнинг ва ваколатли органнинг тафтиш ўтказиш ҳақидаги буйруғининг кўчирма нусхалари, тафтиш доирасида содир этилган ҳаракатлар тўғрисидаги баённомалар, инвентаризация далолатномалари, тафтиш ўтказиш чоғида олинган материаллар, шунингдек тафтиш доирасида содир этилган ҳаракатларни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар қўшиб қўйилиши керак.

Тафтиш тугалланган кундан эътиборан кейинги иш кунидан кечиктирмай тафтиш материаллари тафтиш ўтказиш ваколатига эга бўлган органда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши ва тафтишни тайинлаган суриштирувчи, терговчи, прокурорга ёки судга тақдим этилиши керак.

Тафтиш ўтказган орган тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг тасдиқланган кўчирма нусхасини қонуний чоралар қўрилиши учун тегишли ваколатли органга ҳам юборади.

187^м-модда. Қўшимча ёки қайта тафтиш

Қўшимча тафтиш тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатномада мавжуд бўлган камчиликларни тўлдириш ва иш бўйича янгидан аниқланган ҳолатларни аниқлаштириш учун тайинланади.

Қайта тафтиш қуйидаги ҳолларда тайинланади:

тафтиш ҳулосалари ва натижаларига рози эмаслик тўғрисида текширилган субъект, айбланувчи ёки судланувчи томонидан тақдим этилган эътирозлар асоси деб топилганда;

тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатномада тафтиш материаллари ва жиноят ишнинг бошқа материаллари билан қарама-қаршилиқлар мавжуд бўлганда, шунингдек тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатномадаги ҳулосаларга асос бўлган ҳужжатлар, ахборот ва материаллар нотўғри деб топилганда;

тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатномада кўрса-

тилган ҳулосалар асоссиз бўлганда ёки уларнинг тўғрилиги шубҳа тугдирганда.

Дастлабки тафтишни ўтказган шахслар қайта тафтиш ўтказиш учун тайинланиши мумкин эмас.

Қўшимча тафтиш ёки қайта тафтиш ушбу бобда белгиланган тартибда ва муддатларда ўтказилади.

187^и-модда. Текширилаётган субъект мансабдор шахсларининг ёки вакилларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Текширилаётган субъектнинг мансабдор шахслари ёки вакиллари қуйидагиларга ҳақли:

текширувчи шахслардан тафтиш ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатларни талаб қилиш, хизмат гувоҳномаси, шунингдек тафтишга рухсат бериш тўғрисидаги махсус гувоҳнома билан танишиш;

ўз фаолияти тафтишдан ўтказилиши тўғрисида тегишли ахборотга эга бўлиш, тафтиш ўтказувчи шахслар томонидан тадбирлар ўтказилиши чоғида тушунтиришлар бериш ва уларда ҳозир бўлиш;

тафтиш ўтказувчи шахсларнинг ўз ваколатига кирмайдиган масалаларга доир талабларини бажармаслик ва ушбу шахсларни тафтиш мавзусига тааллуқли бўлмаган ҳужжатлар, ахборот ва материаллар билан таништирмаслик;

хизмат гувоҳномасини, тафтишга рухсат бериш тўғрисидаги махсус гувоҳномани, тафтишни тайинлаш ҳақидаги қарорнинг ёки ажримнинг, ваколатли органнинг тафтиш ўтказиш тўғрисидаги буйруғининг кўчирма нусхаларини тақдим этмаган шахсларни тафтиш ўтказиш учун ҳудудга ва биноларга киритмаслик, шунингдек тафтиш муддатлари бошланмаган ёки ўтиб кетган ёхуд тафтиш ўтказувчи шахс текширувларни рўйхатдан ўтказиш китобини тўлдиришни рад этган тақдирда, ҳудудга ва биноларга киритмаслик;

тафтиш тугалланган кунда тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг бир нусхасини тафтиш ўтказувчи шахслардан олиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тафтиш натижалари устидан шикоят қилиш, шу жумладан суриштирувчи, терговчи, прокурорга ёки судга қўшимча ёки қайта тафтиш тайинлаш тўғрисида илтимоснома киритиш йўли билан шикоят қилиш.

Текширилаётган субъектнинг мансабдор шахслари ёки вакиллари:

тафтиш ўтказувчи шахсларни тафтиш ўтказиш учун ҳудудга ва биноларга киритиши;

тафтиш ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларни, ахборотни ва материалларни тафтиш ўтказувчи шахсларнинг қонуний талабига кўра тақдим этиши;

тафтиш ўтказувчи шахсларнинг ўз мажбуриятларини бажаришда уларга кўмаклашиши шарт.

187^и-модда. Тафтиш ўтказувчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Тафтиш ўтказувчи шахслар ўз ваколатлари доирасида қуйидагиларга ҳақли:

текширилаётган субъектнинг ҳудудини ва биноларини текшириш, унинг мол-мулкни инвентаризациядан ўтказиш; тафтиш ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларни, ахборотни ва материалларни талаб қилиб олиш;

текширилаётган субъектнинг раҳбарлик вазифаларини ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув вазифаларини амалга оширувчи шахслардан, моддий жавобгар ҳодимлардан ҳамда бошқа ҳодимлардан тушунтиришлар олиш;

қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишлари бартараф этилишини талаб қилиш;

объектив асослар мавжуд бўлган тақдирда, тафтиш ўтказиш муддатини узайтириш тўғрисида терговчи, прокурорга ёки судга илтимоснома киритиш;

ушбу Кодексада ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзага ҳаракатлари бажариш.

Тафтиш ўтказувчи шахсларнинг қонуний талаблари текширилаётган субъектнинг мансабдор шахслари ва вакиллари томонидан ижро этилиши шарт.

Тафтиш ўтказувчи шахслар ўз ваколатлари доирасида: хизмат гувоҳномасини, шунингдек тафтишга рухсат бериш тўғрисидаги махсус гувоҳномани тақдим этиши;

тафтишчи тайинлаш тўғрисидаги қарорнинг ёки ажримнинг ва ваколатли органнинг тафтиш ўтказиш ҳақидаги буйруғининг кўчирма нусхаларини текшириладиган субъектнинг мансабдор шахсига ёки вакилига имзо қўйдириб топшириши;

текширилаётган субъектлар фаолиятининг амалга оширилишига тўсиқларни юзага келтирмаслиги ва фаолиятининг тўхтатиб қўйилишига йўл қўймаслиги, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор этмаслиги;

юримдик хизмат вакилларининг ва (ёки) жалб этилган адвокатларнинг тафтишнинг исталган босқичида иштирок этишга бўлган ҳуқуқи тўғрисида ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар ҳақида текширилаётган субъектнинг мансабдор шахсини ёки вакилини хабардор қилиши;

текширувларни рўйхатдан ўтказиш китобини қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда тўлдириши;

тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатномани расмийлаштириши, унинг бир нусхасини текшириладиган субъектда тафтиш тугалланган кунни қўлдириши;

ҳуқуқбузарлик фактлари аниқланган тақдирда, қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўриши шарт;

4) 201-модданинг:

номи ва биринчи қисми «терговчи» деган сўздан кейин «прокурор» деган сўз билан тўлдирилсин;

иккинчи қисмидаги «ёки суднинг талабига кўра ўз ваколатлари доирасида ҳужжатли тафтиш ёки бошқа хизмат текширувини ўтказишлари ва тафтиш ёки текширув далолатномасини» деган сўзлар «прокурор ёки суднинг талабига кўра ўз ваколатлари доирасида тафтиш ёки бошқа хизмат текшируви ўтказишлари ва тафтиш ёки текширув натижалари тўғрисидаги далолатномани» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд тафтиш ёки текширув натижалари тўғрисидаги далолатномада ёхуд бошқа ҳужжатда белгиланган қоидалардан чекинишлар, нуқсонлар, зиддиятлар ва бошқа камчиликларни аниқлаган тақдирда, ҳужжатдаги қайд этилган ҳатолар бартараф этилишини талаб қилишга ҳақли»;

5) 329-модданинг:

иккинчи қисми «экспертиза ўтказиш» деган сўзлардан кейин «тафтиш тайинлаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи қисми:

1-бандидаги «ҳужжатли» деган сўз чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги 4-банд билан тўлдирилсин:

«4) етказилган моддий зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаш ва (ёки) жиноят оқибатларини бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида белгиланган муддат ўтмаган бўлса».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) 165-модда қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача, мансабдор шахсларга эса йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) 176-модданинг тўртинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар у ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган, тадбиркорлик субъектининг рўйхатдан ўтказилишини таъминлаган ва зарур бўлган рухсат бериучи ҳужжатларни расмийлаштирган бўлса, ҳуқуқбузарлик нарсаларини мусодара қилмасдан жавобгарликдан озод этилади»;

3) 271-модда қуйидаги мазмундаги 11-банд билан тўлдирилсин:

«11) агар ушбу Кодекс 164-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 165-моддасининг биринчи қисмида, 166-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 167-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 168-моддасида, 171-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 172, 173-моддаларида, 174-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 174¹-моддасининг биринчи–саккизинчи қисмларида, 175-моддасининг биринчи ва олтинчи қисмларида, 175¹-моддасининг биринчи қисмида, 175³, 175⁴-моддаларида, 175⁵-моддасининг биринчи қисмида, 176¹-176⁴, 177-моддаларида, 178-моддасининг биринчи, учинчи–саккизинчи қисмларида, 178¹-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 179³-моддасининг биринчи қисмида, 179⁴-моддасининг биринчи қисмида, 179⁵-моддасида, 215-моддасининг биринчи қисмида, 215¹-моддасининг биринчи қисмида, 227¹-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 227¹⁴-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 227¹⁵-моддасининг биринчи қисмида, 227¹⁶-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 227¹⁸-моддасининг биринчи қисмида, 227¹⁹-моддасининг биринчи қисмида, 227²¹-моддасида, 227²²-моддасининг биринчи қисмида, 227²³-моддасида, 227²⁴, 227²⁵ ва 227²⁶-моддаларида, 227²⁷-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлиқни биринчи марта содир этган тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахслари ёки ходимлари ёхуд тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтдан эътиборан ўттиз кунлик муддатда йўл қўйилган бузилишларни ихтиёрий равишда бартараф этган ва (ёки) етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, бундан фуқароларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига зарар етказилган ҳоллар мустасно»;

4) 305-модда қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ушбу Кодекс 271-моддасининг 11-бандида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги иш маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишнинг бошқа материаллари ишни қўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан олинган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда қўриб чиқиладиган».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги 602-I-сонли Қонунининг 30-моддаси қуйидаги мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ушбу моддада кўрсатилган фермер хўжалиқларининг молия-хўжалик фаолияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар молия йили мобайнида мунтазам равишда тўланмаган тақдирда, режали текширишлардан ўтказилиши мумкин».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 де-

Меҳнат дафтарчаси: алмаштириш талаб этилса

Ташкилотимизда бланкалари белгиланган намунага жавоб бермайдиган меҳнат дафтарчалари борлиги аниқланди. Қонунчиликка мувофиқ, корхонамиз ходимларга дубликатларни расмийлаштириши керак. Ходимлар биз меҳнат дафтарчалари дубликатларига тегишли ёзувларни киритишимиз учун асос бўлувчи маълумотномаларни тўплашни истамаяптилар. Шу муносабат билан биз илк ёзув қандай бўлиши лозимлигини билмаётимиз. У эҳтимол: «Ходимнинг айтишича, умумий стаж шунча-шунчани ташкил этади...» деган ибора билан бошланар. Ходим олдинги иш стажига доир маълумотномаларни тўплашдан воз кечганда аввалги бланка (белгиланмаган намунадаги) алмаштирилса, меҳнат дафтарчаси дубликатини қандай тўғри тўлдириш мумкин?

Д.Саидахмедова.

— Авваламбор, ходим меҳнат фаолиятининг тарихини (иш стажини) тасдиқловчи ҳужжатларни тўплаш биринчи навбатда унинг ўзи учун зарур ва аҳамиятга эга эканлигини унга тушунтириш лозим. Бу маълумотлар бўлмаса, вақтинча ишга қобилиятсизлик бўйича нафақаларни тўлаш миқдорини аниқлаш, ёшга доир ёки ногиронлик бўйича пенсия тайинлашга ҳужжатларни расмийлаштириш учун ходимнинг умумий иш стажини амалда ҳисоблаб бўлмайди. Стажини тасдиқловчи ҳужжатларнинг бўлмаслиги ёшга доир ёки ногиронлик бўйича пенсия миқдоридан ҳам ўз аксини топади.

Иш берувчи, ўз навбатида, мазкур корхонага қабул қилинганга қадар унинг иш стажини тасдиқловчи ҳужжатларни олишда ходимга ёрдам беришга мажбур. Кадрлар бўлими ходими ходимни архивлар, улар манзили ва телефонлари ҳақидаги ахборот билан таъминлаши («Норма — ЎзР қонунчилиги» АҚТда «Маълумот ахборотлар» бўлимига қаралсин), талабномаларни тўғри тузишда ёрдамлашиши, ходим аввал ишлаган ташкилотлар ёки архивларга талабномаларни расмийлаштириш учун зарур бўлган ҳужжатлар нусхалари (паспорт нусхаси, меҳнат дафтарчасининг нусхаси) билан таъминлаши мумкин. Ходим ишлаётган бўлинма раҳбари ёки иш берувчи билан келишган ҳолда ҳужжатларни излаш учун ходимга вақт бериш тўғрисидаги масала ҳал этилиши керак.

Агар ходим ҳужжатларни тўплашдан барибир бош тортаверса, ундан сабабларни тушунтирган ҳолда ёзма раддия талаб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Нима бўлганда ҳам Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқнома (АВ томонидан

29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган) талабларига мувофиқ белгиланмаган намунадаги бланка ўрнига ходимга меҳнат дафтарчасининг дубликати тўлдирилиши лозим.

Иш берувчида ҳақиқий бўлмаса-да, лекин ташкилотларнинг ҳақиқий муҳрлари билан тасдиқланган ёзувлари мавжуд бўлган меҳнат дафтарчасининг бланкаси борлиги ҳисобга олинса, иш стажининг умумий ҳисобини чиқариш, мазкур корхонага ишга қабул қилинганга қадар умумий иш стажини тўғрисидаги ёзувни киритиш мумкин бўлади, фақат бунда «Ёзув « » 20 йилдаги -сонли далолатнома билан ҳисобдан чиқарилган серияли рақамли ҳақиқий бўлмаган меҳнат дафтарчаси бланкаси (совет намунасидаги ёки белгиланмаган тартибда олинган) асосида киритилган» деган ёзув ёзиб қўйилади.

Алоҳида даврлар бўйича ҳам маълумотларни киритса бўлади, лекин бунда ёзув архив маълумотномаси асосида эмас, балки « » 20 йилдаги -сонли далолатнома билан ҳисобдан чиқарилган серияли рақамли ҳақиқий бўлмаган меҳнат дафтарчаси бланкаси (совет намунасидаги ёки белгиланмаган тартибда олинган) асосида» деган қўшимча ёзув киритилиши керак бўлади.

Шу тариқа, биз ходим учун унинг меҳнат фаолияти бўйича солномани сақлаб қоламиз, лекин бу унинг меҳнат стажини тасдиқловчи архив маълумотномаларини қидириб топишдан озод этмайди.

Валерия Ляндрес, кадрлар бўлими ходими.

Реклама ва эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов — исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

ТАКЛИФЛАР

Таъмирлаш-қурилиш ишларига жорий нархларда сметалар тузмиш.

Тел.: (+99871) 244-86-80, (+99871) 244-86-79.

Таъмирлаш-қурилиш ишларини бажарамиз (пул ўтказиш йўли билан). Тел.: (+99890) 945-65-85.

Ургач шахри Обводная кўчаси 7-уйда жойлашган «Urganch Montaj Boshqarmasi» масъулияти чекланган жамияти (СТИР 200409346) уст-тав фонди 285 302 190,69 сўмдан 28 530 219,07 сўмгача камайтирилишини маълум қилади.

Ходимни аттестациядан бир ой аввал у ўтказиладиган кун ҳақидаги буйруқ билан таништирилди. Меҳнат шартномасига кўра ходимнинг иш графиги — соат 9.00 дан 13.00 гача. Аттестация соат 14.00 га тайинланган. Ходим иш вақти тугаганлигини вақт қилиб, аттестацияга келишдан бош тортиди.

Ходимнинг иш вақтидан ташқари вақтга тайинланган аттестацияга келишдан бош тортиши меҳнат интизомини бузиш деб ҳисобланадими?

Б.Рўзиева.

Ходимларни аттестациялаш: фақат иш вақтида



— Йўқ, ҳисобланмайди, чунки аттестация бошланадиган пайтгача унинг иш вақти тугаган.

Ходим иш тартиби ёки графигига ёхуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт иш вақти ҳисобланади (МКнинг 114-моддаси).

Бунда иш вақтида ходим ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, виждонан бажариши; меҳнат интизомига риоя қилиши; иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида ва аниқ бажариши; технология

интизомига; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиши; иш берувчининг мол-мулкни авайлаб асраши шарт (МКнинг 176-моддаси 1-қисми).

Шу сабабли ходим билан иш берувчи ўртасидаги ихтилофларни бартараф этиш мақсадида аттестация ўтказиш иш вақтига кўчириш керак. Ана шунда ходим аттестацияга келишдан бош тортишда иш берувчи унга нисбатан интизомий жазони қўллашга ҳақли бўлади (МКнинг 181-моддаси).

Иш берувчининг ўзбошимчалиги ёки зарурий назорат

Бизнинг транспорт корхонамиз тезлик режимини назорат қилиш мақсадида корпоратив машиналарда ўрнатилган GPS-ускуна ёрдамида транспорт воситаларини мониторинг қилиш хизматларидан фойдаланади. Электрон тарздаги ҳисобот хизматлар етказиб берувчисининг сайтида шаклланади. Ҳисоботда ҳайдовчи қачон (вақти ва санаси) ва қаерда (координаталари) тезлик режимини бузганлиги кўриниб туради. Электрон ҳисобот компания транспортини бошқариш вақтида тезликни оширганни учун ходимга нисбатан интизомий чораларни қўллашга асос бўладими? Агар бўлмаса, бундай назоратни қандай қилиб тўғри қонунийлаштириш мумкин?

А.Умаров.

— Ҳа, транспорт воситасини бошқариш вақтида тезлик оширилганини тасдиқловчи электрон ҳисобот, агар ускуна соз ҳолатда бўлса, ҳайдовчиларга нисбатан интизомий таъсир чораларини қўллашга асос бўлади.

Қонун ҳужжатлари ва меҳнат тўғрисидаги бошқа норматив ҳужжатларда ходимларга ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, виждонан бажариш, меҳнат интизомига риоя қилиш, иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида ва аниқ бажариш, технология интизомига, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиш, иш берувчининг мол-мулкни авайлаб асраш мажбурияти юкланади (МКнинг 176-моддаси 1-қисми).

Бунда иш берувчи ходимлар меҳнатини ташкил қилиши, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳ-

нат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини яратиб бериши, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаши, меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этиши шарт (МКнинг 177-моддаси 1-қисми).

Шу тариқа, иш берувчи ҳайдовчи ходимларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя этишини назорат қилишга ҳақлигина эмас, балки мажбурдир. Автомашиналардаги GPS-ускуна ёрдамида транспорт воситаларини мониторинг қилиш хизматидан фойдаланиш ушбу мажбуриятни амалга ошириш усулларидан бири бўлиши мумкин.

Ушбу ускунадан фойдаланиш шартини компаниянинг ички меҳнат тартиби қоидаларига, шунингдек меҳнат шартномасига киритиш ва компания ходимлари таништирилаётган иш берувчининг буйруғида қайд этиш зарур (МКнинг 178-моддаси).

Бизга компания логотипи туширилган сумкалар etkazиб бериш учун etkazиб берувчида улгуржи савдога лицензия бўлиши шартми?

Ф.Раҳматов,
юрист.

Лицензиясиз улгуржи савдо

– Агар сумкаларни etkazиб берувчи тайёрласа ва улар унинг ўзи ишлаб чиқарган товарлар ҳисобланса, у улгуржи савдони амалга оширишга лицензия олиши зарур эмас.

Тижорат мақсадларида фойдаланиш ёки ўз ишлаб чиқариш-хўжалик эҳтиёжлари учун ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз шаклида харид қилинадиган товарларни сотиш улгуржи савдо фаолияти деб эътироф этилади (Низомнинг 2-банди, ВМнинг 5.11.2005 йилдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган).

Қуйидагилар улгуржи савдо аломатлари ҳисобланади:

- товарларни харид қилиш;
- товарларни сотиш;
- ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз шакли (товарларни харид қилишда ҳам, кейинчалик уларни сотишда ҳам);
- хариддорнинг харид қилинган товарлардан тижорат мақсадларида ёки ўз ишлаб чиқариш-хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиши.

Ўзи ишлаб чиқарган товарларни сотиш улгуржи савдога кирмайди, сабаби унинг аломатларидан бири – товарларни харид қилиш мавжуд эмас.

Агар сумкалар etkazиб берувчи ўзи ишлаб чиқарган товар ҳисобланмай, балки уларга тегишли логотип қўйиб, кейинчалик сотиш мақсадида нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича сотиб олинса, улгуржи савдони амалга ошириш учун лицензия олиш мажбурий ҳисобланади.

Элмира Сиразиева,
«Norma Online» эксперти.

«Директор ўрнига» имзо

Қўпунча йирик корхоналарда биринчи имзо ҳуқуқига эга бўлган бир нечта шахс ҳужжатлар билан расмийлаштирилган бўлади. Баъзан ишончнома ёки шартномада раҳбар (директор) Ф.И.О. қайд этилган, имзони эса биринчи имзо ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахс қўйган ҳолатлар юз беради. Ҳужжатларни шу тариқа расмийлаштиришга: бир шахс Ф.И.О. ёнига бошқа шахс имзосини қўйишга йўл қўйиладими? Агар йўл қўйилмаса, бу қандай қонун ҳужжати билан тартибга солинган?

Д.Селимова.

– Шартномада фамилияси ва исми кўрсатилган бошқа шахс ўрнига ҳужжатларни имзолашга йўл қўйилмайди.

Агар қонундан ёки миллий одатдан бошқача тартиб келиб чиқмаса, фуқаро ўз фамилияси ва номидан, шунингдек отасининг исми билан ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлади ҳамда уларни амалга оширади (ФКнинг 19-моддаси 1-қисми).

Қонун ҳужжатларида белгиланганидек, ишончномани юридик шахс раҳбари ёки унинг ишончли вакили бериши мумкин, шартномани эса тарафлар ёки уларнинг вакиллари имзолайдилар.

Юридик шахс номидан бериладиган ишончнома раҳбар томонидан имзоланиб, унга ушбу юридик шахснинг муҳри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) босилади. Агар юридик шахс давлат мулкига асосланган бўлса, пул ва бошқа мулк бойликлари олиш ёки топшириш учун бериладиган ишончнома унинг бош (катта) бухгалтери томонидан ҳам имзоланиши керак (ФКнинг 138-моддаси).

Товар-моддий бойликлари олишга ишончномани расмийлаштиришда ишонч билдирувчининг (ишонч-

нома берувчи шахснинг) паспорт маълумотларини кўрсатиш талаб этилади (АВ томонидан 27.05.2003 йилда 1245-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомга 1, 2-иловалар).

Ишончнома берилган шахс ўз ваколатидаги ҳаракатларни шахсан амалга ошириши шарт. Башарти, унга ишончнома билан ваколат берилган бўлса ёки уни ишончнома берган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилишга шароит мажбур қилса, у ҳаракатларни амалга оширишни бошқа шахсга ўтказиши мумкин (ФКнинг 140-моддаси).

Масалан, ваколатли шахс тезкор тузилиши талаб қилинадиган шартномани имзолаш имконига эга эмас (сафардалили, касаллиги ва ҳ.к. туфайли), шу сабабли ушбу ҳуқуқни унинг шахсга ўтказишга мажбур.

Ёзма шаклда тузилган битимни, агар иш муомаласи одатларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса, тарафлар ёки уларнинг вакиллари имзолаши керак. Агар қонун ҳужжатларига ёки иштороқлардан бирининг талабларига зид бўлмаса, битим тузиш чоғида имзодан факсимиле усулидан нусха қўчириш воситаларидан фойдаланилишига йўл қўйилади (ФКнинг 107-моддаси).

Шу билан бирга, агар шартномани раҳбар ўрнига унинг фамилияси остида бошқа шахс имзолаган бўлса, раҳбар бундай ҳужжатни кейинчалик маъқуллаган тақдирдагина юридик кучга эга бўлиши мумкин (ФКнинг 132-моддаси). Битим тузишга ваколат берган шахс битимнинг ижрога қабул қилинганлигидан гувоҳлик берувчи ҳаракатлар қилган ҳолда ҳам бундай битим маъқулланган ҳисобланади (масалан, шартномада назарда тутилган ҳаракатлар бошлангани, норозилигини ўз вақтида ифодалагани, контрагентдан маблаг олгани ва б.).

Маҳкам Воҳидов,
«Norma Online» эксперти,
юридик фанлар номзоди.

Туризм хизматлари: амалдаги қоидаларга кўра ҳақ тўлаш

Президентнинг ПФ-4861-сон Фармонида мувофиқ, 2017 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон ҳудудида меҳмонхоналарда ва бошқа жойлаштириш жойларида хорижий фуқароларга ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий турув жойига эга бўлмаган, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, жойлаштириш бўйича хизматларга шу жумладан туризм фаолияти субъектлари орқали ҳақ тўлаш фақат эркин алмаштириладиган валютада амалга оширилади. Шу муносабат билан туризм соҳасидаги компаниямизда қуйидаги саволлар юзага келди.

1. Агар биз ПФ-4861-сон Фармон кучга киргунга қадар 2017 йил учун меҳмонхона хизматлари ҳақини тўлаган бўлсак, меҳмонхона бизга пулни қайтаришга ва ўз хизматлари ҳақини ЭАВда тўлашни талаб қилишга ҳақлими? Фармон талаблари у амалга киритилгунга қадар ташкилотимиз билан меҳмонхона ўртасида тузилган шартномаларга татбиқ этиладими?

2. Агар компаниямиз 2016 йил декабрида 2017 йил учун меҳмонхона хизматлари ҳақини тўлаган бўлса, уларни қайси валютада тўлаш зарур эди? У.Пўлатова.

1 Президентнинг 2.12.2016 йилдаги ПФ-4861-сон Фармони эълон қилингунга қадар меҳмонхонанинг 2017 йилда хорижий туристларни жойлаштириш учун туризм компаниялари миллий валютада тўлаган маблағларни қайтариши ва уларни ЭАВда тўлашни талаб қилиши нотўғри.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқала қайтиш кучига эга эмас ва улар амал-

га киритилганидан кейин юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан татбиқ этилади, қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно («Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддаси). Яъни Фармон нормалари у амалга киритилгунча юзага келган тарафларнинг шартномавий муносабатларига татбиқ этилмайди.

Бунинг устига, хизматлар ҳақини миллий валютада тўлашни тақиқлаш 2017 йил 1 январдан кейин юзага келувчи муносабатларга тааллуқли.

Шу сабабли меҳмонхона билан тузилган шартномага кўра туризм компанияси 2017 йилда ўз туристларининг яшаш ҳақини миллий валютада тўлаган бўлса, меҳмонхона ўз мажбуриятларини бажариши шарт (ФКнинг 236-моддаси; «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддаси, бундан кейин – Қонун). Меҳмонхона шартнома шартларини бир тарафлама тартибда ўзгартиришга, яъни тўлаган пул маблағларини қайтаришга ва 2017 йил учун хизматлар ҳақини ЭАВда тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас (Қонуннинг 7-моддаси 1-қисми 3-хатбошиси, 15-моддаси 3-қисми).

2 Сиз тузилган шартнома мавжуд бўлганда 2016 йил декабрида 2017 йил учун меҳмонхона хизматлари ҳақини миллий валюта – сўмда тўлашга ҳақли бўлгансиз.

Ҳақиқатан ҳам, 2017 йил 1 январдан

бошлаб киритилган тартибга кўра, туризм фаолияти субъектлари хорижий туристларни жойлаштириш бўйича хизматларга фақат ЭАВда ҳақ тўлайдилар. Шунинг қайд этиш лозимки, ушбу нормада хизматларни ижро этиш ҳақида эмас, балки улар ҳақини тўлаш дилили ҳақида сўз боради.

Меҳмонхона хизматлари 2017 йилда кўрсатилишига қарамай, 2017 йил 1 январгача туристик компания ҳисоб-китоблар фақат миллий валютада амалга оширилиши шарт («Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддаси 1-қисми).

Бунда шунинг қайд этиш лозимки, меҳмонхонанинг хизматлар кўрсатиши ва 2016 йил декабрида шартнома тузиши унинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқий ҳисобланади. Меҳмонхона оммавий офертани жойлаштирган ҳоллар бундан мустасно, уни акцептлашда ҳақни қабул қилиш ва хизматлар кўрсатишга мажбур бўлади (ФКнинг 377-моддаси).

Тимур Муминов,
«Norma Online» эксперти.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир

Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи

Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета нотири – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида термиди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсатиши – 186. Қўроз ёлчиси – АЗ. Ҳажми – 2 босма таъаб. Баҳои келишилган нархда.
Буюртма 767. Адади 1 150. Газета 2017 йил 9 январь соат 18.00 да топширилди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
etkazиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;

«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муносабат қилиш мумкин.